

## “Тошшаҳартрансхизмат” АЖдаги ўрганиш

Ҳисоб палатаси томонидан “Тошшаҳартрансхизмат” АЖда 2022 йил ва 2023 йилнинг 6 ойида бюджет маблағлари ажратилишига доир ҳисоб-китобларни асослилиги ўрганилди.

### Ўрганишлар натижасида қатор хато ва камчиликлар аниқланди.

Давлат харидлари бўйича тузилган **203,9 млрд сўмлик 164 та** шартномаларни “Давлат харидлари тўғрисида”ги ва “Рақобат тўғрисида”ги қонунлар талабларига риоя этмаган ҳолда расмийлаштирилганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, **12 та** танлов савдоларида жами **60 млрд сўмлик** шартномалар баҳолаш тартибини бузган ҳолда **5,2 млрд сўмга юқори нархларни** таклиф этган иштирокчилар билан **имзоланган**.

Жамият томонидан тўғридан-тўғри тузилган **2,3 трлн сўмлик 3 та** шартноманинг (*1 000 та автобус*) **нархлари бўйича** Лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш марказини **хулосаси олинмаган**.

Жамият томонидан ўрганилган даврда **2,4 млрд сўмлик** ёнилғи маҳсулотлари белгиланган меъёрга нисбатан **ортиқча ҳисобдан чиқарилган**.

Дебитор қарздорликларни ундириш бўйича етарли чоралар кўрилмаганлиги сабабли **1,2 млрд сўмлик муддати ўтган дебитор қарздорлик** вужудга келган.

**Назорат тадбири якуни билан расмийлаштирилган ҳужжатлар тўплами ҳуқуқий баҳо бериш учун Бош прокуратурага юборилди.**